

МАМЛАКАТИМИЗ
МАКТАБЛАРИНИ
БИТИРУВЧИ
ЎГИЛ-
ҚИЗЛАРИМИЗГА

Азиз фарзандларим, ҳурматли устоз ва мураббийлар, муҳтарам ота-оналар!

Бугун мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида «сўнги кўнғироқ»лар янграб, байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Мана шу ҳаяжонли дамларда 472 минг нафар ўғил-қизларимиз мактаб таълимини тугатиб, катта ҳаётга йўлланма олмоқда.

Ана шундай унутилмас айём билан барчангизни чин қалбимдан самимий табриклайман.

Биз бугун келажак режаларини тузаётган сиздек фарзандларимиз тимсолида Янги Ўзбекистонни дунёга тараннум этадиган бунёдкор кучни кўрамиз.

Жорий йил биринчи марта 11 минг нафардан зиёд фарзандларимиз мактабни олтин ва кумуш медаллар билан тамомламоқда. Бундай интилувчан ўғил-қизларимиз келажакда ҳам ўз тенгдошларига намуна бўлиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади деб ишонаман.

Ҳар бир мактаб битирувчисининг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун ҳозирги кунда катта куч ва имкониятларимизни сафарбар этяпмиз.

Албатта, бугунги битирувчи – эртанги муҳандис, шифокор, олим, шоир ва адиб, тадбиркор дегани. Бугунги битирувчи – Учинчи Ренессанс бунёдкори дегани. Сизлар Янги Ўзбекистоннинг энг катта ишончи ва таянчисиз.

Мамлакатимизда 207 та олийгоҳ ва 643 та техникум сизларга замонавий билим, касб ва малака беришга тайёр. Тиришқоқ, ўз кучига ишонган ёшларимиз ҳали мактабни тугатмасдан туриб, юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олийгоҳларга киришга улгурди. Масалан, 171 нафар ёшларимиз дунёнинг етакчи университетларига, яна минглаб битирувчилар мамлакатимиздаги олийгоҳларга қабул қилинди.

Ана шу фарзандларимни, уларнинг ота-оналари ва устозларини бундай ютуқлари билан чин дилдан табриклайман. Азиз битирувчилар!

Ўзингиз кўряписиз, бугун ҳаёт ҳам, меҳнат бозоридаги талаб ҳам шиддат билан ўзгариб бормоқда. Янги-янги касблар пайдо бўляпти. Тил, касб, компьютер саводхонлиги ва мустақил даромад топиш кўникмасини эгаллаш муҳим заруратга айланмоқда. Меҳнат бозори энди, аввало, «хужжат» эмас, амалий билим, малака ва натижа сўраляпти.

Бугун қишлоқдаги оддий мактаб битирувчиси эртага дунё тан оладиган олим бўлади. Бугун олдига катта мақсадлар кўйган, интилувчан, изланувчан ёшларимиз эртага миллионлаб инсонларга хизмат қиладиган технологияларни яратадди. Бугун китоб ўқиётган бир қизалоқ эртага мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқадиган фарзандларни тарбиялайди.

Шу боис, ҳар бирингиз камида биттадан хорижий тил ва замонавий касбни эгаллашга ҳаракат қилинг. Бу келажакка очилган эшик, сиз учун кўшимча имконият ва рағбатдир.

Тадбиркор бўлишни истайдиган ёшларимиз учун банклар жорий йил 25 триллион сўм арзон кредитлар тақдиф этмоқда. Стартан лойиҳаларини бошлаган битирувчиларга эса 100 миллион доллар маблағ тайёрлаб қўйганмиз. Энг йирик АТ компаниялар ҳар йили камида 50 минг битирувчини сунъий интеллект бўйича ўқитиб, юқори даромадли ишга жойлаштиришга тайёр. Келгуси йилларда 168 минг гектар супер интенсив саноатлашган боғлар ташкил қиламиз. Мазкур лойиҳаларда қатнашмоқчи бўлган болаларимни мен доим қўллаб-қувватлайман.

Мана шу янги соҳаларда сизлар, албатта, ўз касбингизнинг ҳақиқий эгаси бўласиз!

Қадрли фарзандларим!

Бугунги тез ўзгараётган даврда ҳаётга, унинг кескин талабларига тайёр бўлиш бу – энг муҳим вазифа.

Ушбу йўлда сизлар учун энг яқин дўст ва энг кучли қуроли – китобдир. Чунки китоб – нур, илм ва ибрат манбаи. Кўп китоб ўқиган инсон ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайди, кучли ирода, кенг дунёқарашга эга бўлади.

Бугунги ҳаётимизда сизлар учун ўрнатилган бўладиган ютуқларимиз, ёш-ёш қаҳрамонларимиз кўп. Тўрт-беш йил олдин мактабни тугатган Жавохир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Абдуқодир Хусанов каби машҳур спортчиларимиз шахмат ва футбол оламида бутун дунёни қойил қолдирмоқда.

Ёш кино ижодкорларимиз суратга олган қисқа метражли фильм Канн халқаро кинофестивали доирасидаги инклюзив фильмлар фестивалида «Гран при» мукофотини олишга сазовор бўлди.

Куни кеча футбол бўйича миллий терма жамоамизни жаҳон чемпионатида катта тантана билан қузатдик.

Барчамизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайдиган бундай ютуқлар илгари тарихимизда ҳеч қачон бўлмаган.

Кўряписизларми, чин дилдан интилса, ҳаракат қилса, Янги Ўзбекистон ёшлари қандай буюк марраларни забт этишга қодир!

Мен ишонаман, сизларнинг орангиздан ҳам ана шундай миллат қаҳрамонлари, Янги Ўзбекистон ифтихорлари етишиб чиқади!

Бу дунёда ҳар бир онгли инсон ота-онаси, устозлари ва эл-юрти ишончини оқлашга интилиб яшайди. Инсон учун энг улуг бахт, улкан шараф аслида шу.

Сиз бугун мактабни тугатдингиз, лекин катта ҳаёт мактаби энди бошланмоқда.

Мен сизларга ана шундай тенгсиз бахт, юксак саодат эгаси бўлишларингизни тилайман.

Олдингизга катта мақсадлар қўйишдан ҳеч қачон қўрқманг!

Ўзингизга ишониб, ҳамиша олға боринг!

Доимо ўзгаришлар, ислохотлар руҳи билан яшайдиган авлод бўлинг!

Шу йўлдаги илк қадамларингиз қутлуг ва баракали бўлсин!

Барчангизга бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
26-may,
seshanba
№63
(5283)

● Gazeta 1991–yil 21–martdan chiqa boshlagan ● O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»:
ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ КАТТА МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ Қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳмадова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича маслаҳатчиси – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллоёров ҳамда республика комиссияси аъзолари бўлган вазирлик ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари вакиллари ҳамда ташкилотларнинг Тошкент шаҳар бошқарма бошлиқлари қатнашдилар. Шунингдек, ҳудудий студиялардан ҳокимликлар, Феде-

рациянинг ҳудудий кенгашлари, ташкилотларнинг ҳудудий бошқармалари вакиллари, тижорат банклари филиаллари раҳбарлари, барча маҳалла раислари ва хотин-қизлар фаоллари иштирок этдилар. Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди. У ўз сўзида бугунги кунда юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилишини алоҳида таъкидлаб, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ортида, аввало, инсон кадрини улутлаш гоёси мужассам эканини қайд этди.

– Аёлни рози қилган жамият – ўз келажagini асраган жамиятдир. Чунки аёл – оиланинг юраги, фарзанд тарбиясининг асоси, хонадон файзи ва миллат маъ-

навиятининг тимсолидир. Бир аёлнинг дарди енгиллашса, бутун бир оиланинг ҳаёти ўзгаради. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Биз «Аёллар дафтари»ни оддий рўйхат ёки статистик маълумот сифатида қабул қилмаслигимиз керак. Унинг ортида хотин-қизларни оғир тақдирлар, она ва фарзанд тақдир турибди. Шунинг учун ҳар бир мурожаатга виждонан ёндашиш – барчамизнинг инсоний ва хизмат вазифамиздир, – деди Қудратилла Рафиқов.

2 >>>

Президент
мактабларига қабул
бошланди

Батафсил ўқиш учун **Ishonch**нинг
телеграм каналига ўтинг

Наманган гуллари
«Гиннес»ни
забт этди

Батафсил маълумот олиш учун
Ishonchнинг телеграм каналига ўтинг

БУГУНГИ БИТИРУВЧИ –
УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРИ

Бугун юртимизда минглаб мактабларда ҳаяжон ва қувонч тўла «Сўнги кўнғироқ» тадбирлари бўлиб ўтди. Қўлида гул, кўнглида орзу билан мактаб остонасини тарқ этаётган юз минглаб ёшлар учун бу кун унутилмас хотирага айланди. Энди уларни янги орзулар, янги мақсадлар ва мустақил ҳаёт синовлари кутиб турибди.

2026 йил 25 май куни республикадаги 10 минг 193 та давлат умумтаълим мактабида «Сўнги кўнғироқ» тадбирлари кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Тадбирда 4 миллион нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Жорий ўқув йили якунида 472 минг 436 нафар 11-синф ва 621 минг 894 нафар 9-синф битирувчиси мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяди.

Тадбирлар аввалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мактаб битирувчиларига йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди. Унда ёшларнинг билими, ватанпарвар ва замонавий касб эгалари бўлиб етишиши мамлакат тараққиёти учун муҳим омил экани таъкидланди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг расмий маълумотларига кўра, бу йилги 11-синф битирувчиларининг 9 минг 731 нафари олтин, 2 минг 47 нафари кумуш медал билан тақдирланади. Шу-



Ўза сурати

нингдек, 9-синф битирувчиларининг 16 минг 486 нафари аъло даражали шаҳодатномага эга бўлмоқда.

Ҳа, бугунги ёшларимиздан умидимиз катта. Улар қалбидаги эртанги кунга ишонч тўйғуси билим билан янада мус-

таҳкамланган. Билимли ёшлар, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Бугунги битирувчи – Учинчи Ренессанс бунёдкори дегани».

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»:

ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

<<< 1

ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАР КЎЗЛАНГАН?

Маълум қилинганидек, «Аёллар дафтари» тизимининг аввалги 6 босқичи давомида республика бўйича жами 4 миллион 538 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилган. Биргина 2025 йилнинг ўзида тизимнинг 6-босқичида 1 миллион 22 минг нафар хотин-қиз қўллаб-қувватланган. Жорий йилда эса Президентимиз топширигига мувофиқ, 1 миллион нафар эҳтиёжманд хотин-қизга манзилли ёрдам кўрсатиш режалаштирилган бўлиб, февраль-март ойларида ўтказилган хатловлар натижасида 1 миллион 26 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қиз аниқланган. Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 17 октябрида касбаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан ўтказилган учрашувда «Аёллар дафтари» тизимини янада такомиллаштириб, у орқали уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож, таъйиқ, доимий даромад манбаига эга қилиш, ҳаётда мустақил ўрин топишига кўмаклашишдан иборатдир.

ИМТИЁЗЛАР ҚЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Федерация раиси ушбу Низомда назарда тутилган асосий ўзгаришлар, имконият ва имтиёзлар хусусида айтиб ўтди. Маълум қилинишича, тоифалар янада такомиллаштирилиб, 6 тадан 5 тага камайтирилган, кўрсатиладиган хизматлар сони эса 23 тадан 46 тага оширилган. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларга илгари 4 та йўналишда ёрдам берилар эди. Ҳозир эса уларга 14 та йўналишда ёрдамлар кўрсатилади. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган хотин-қизларга 9 хилдаги кредитлар берилади. Улар икки йўналишда рўйхатга олинади: бандлиги таъминланмаган ва тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар ҳамда тадбиркорлиқни йўлга қўйган ва ушбу фаолияти ривожланишининг дастлабки босқичларида турган тадбиркор ёки ўзини-ўзи банд қилган хотин-қизлар.

Интернет сайт яратиш, махсулотларни электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама қилиш харажатлари учун 12 млн. 360 минг сўмгача; ишсизларга бино ва иншоотлар ижара тўловини қоплаш учун – 4 млн. 120 минг сўмгача субсидия ажратилади.

Шунингдек, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга «Аёллар дафтари» жамғармасидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача, яъни 20 млн. 600 минг сўмгача маблағ ажратилади.

Низомга кўра, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож хотин-қизлар ҳам эътиборда бўлади. Бу тоифага руҳий ҳолатини яхшилашга ёки Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоларини жарроҳлик амалиётига довллаш ва жарроҳлик амалиётига ўтказишга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар киритилади ва уларга қатор ёрдамлар кўрсатилади. Ҳуқуқий ёрдамга муҳтожлар тоифасига ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган, ажрим, яраштирув, суд, алимент ва бошқа шу каби масалаларда маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатишга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар киритилади ва уларга ҳам зарур кўмаклар берилади.

ИЖТИМОЙ РЕЕСТРГА КИРМАГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАМ ЯНГИ БОСҚИЧДА РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

Янги Низомда назарда тутилган яна бир муҳим ўзгариш – «Аёллар дафтари»га биринчи навбатда Ижтимоий реестрда турган камбағал оилалардаги хотин-қизлар киритилади. Ундан кейин эса заруратга қараб, эҳтиёжманд бўлган, лекин Ижтимоий реестрга кирмаган хотин-қизлар рўйхатга олинади. Федерация раиси бу масалага ҳам алоҳида тўхталиб, батафсил изоҳ бериб ўтди: Агар бирор-бир аёл «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичида «дафтар»га киритилган бўлса, бироқ у ҳали камбағалликдан чиқмаган бўлса, ушбу аёл бу йилги



7-босқич рўйхатига киритилиши мумкин.

Аёл доимий ёки вақтинча иш билан банд бўлса-ю, бироқ даромади кам бўлгани сабабли эҳтиёжманд бўлса, бундай хотин-қизлар «Аёллар дафтари»нинг 1-тоифасига киритилмайди, лекин уларни бошқа тоифаларга киритса бўлади.

МАҚСАДИМИЗ – БИР МАРТАЛИК ЁРДАМ ЭМАС

Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири «Аёллар дафтари»даги ёрдам турлари таркибидан бир марталиқ моддий ёрдам тури чиқариб ташланди. Унинг ўрнига хотин-қизларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, соғлигини тиклаши, руҳий ҳолатини яхшилаши, ҳуқуқлари тикланиши ва ҳоказолар каби янги турдаги ижтимоий ёрдамлар жорий қилинди.

Тадбиркорлик фаолияти учун эса имтиёзли кредитлар турлари янада кенгайтирилди. Қисқаси, янги тақрирдаги «Аёллар дафтари» низоимининг асосий мақсади эҳтиёжманд хотин-қизларга шунчаки бир марта ёрдам бериш эмас, балки уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши ва камбағалликдан халос бўлишига кўмаклашишдан иборатдир.

Шундан сўнг Қудратилла Рафиқов «Аёллар дафтари» тизимини юритишни янги тартибни навбатма-навбат тушунтириб ўтди:

«**Биринчидан**, ҳар йили январь ойида «маҳалла еттичилиги» касабба уюшмаларидан маҳаллага бириктирилган ходим билан биргаликда анкета-сўровнома асосида хотин-қизларнинг барча йўналишдаги муаммоларини уйма-уй юриш орқали ўрганади.

Иккинчидан, анкета-сўровномалар тўлдирилгандан сўнг 3 кун муддатда «маҳалла еттичилиги» томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси, яъни тоифаси аниқланади.

Учинчидан, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг тоифаларига аниқлик киритилгандан кейин, 3 кун ичида «маҳалла еттичилиги» томонидан «Аёллар дафтари»га киритиладиган хотин-қизлар рўйхатлари шакллантирилади ва тасдиқланади. Рўйхатлар шакллантирилгандан сўнг «маҳалла еттичилиги» томонидан ҳар бир аёлнинг индивидуал дастурлари ишлаб чиқилади.

Индивидуал дастурда ҳар бир эҳтиёжманд аёлга кўрсатиладиган асосий ва қўшимча «амалий ёрдамлар» аниқ кўрсатилиши шарт!

Тўртинчидан, рўйхатлар шакллантирилгандан сўнг оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи барча маҳаллалардан рўйхатлар ва индивидуал дастурларни олиб, «ишро учун масъул» туман (шаҳар) ташкилотлар раҳбарларининг индивидуал дастурлари билан ҳар бирини ташиштириб чиқади.

Бешинчидан, «маҳалла еттичилиги» «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга қайси ташкилот, қачон, қанча миқдорда ёрдам беришини тушунтириб, уларнинг «розилиги» раъзи сифатида индивидуал дастурларнинг асл нусхасига имзо қўйдиради. Агар бирор-бир эҳтиёжманд аёлда индивидуал дастурда белгиланган «амалий ёрдамлар»га

Нафънинг агар халққа бешакдурур
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.

Алишер Навоий

нисбатан асосланган равишдаги эътирози бўлса, индивидуал дастур қайта ишланади ва масъулар қайтадан тасдиқлаб берганидан кейин эҳтиёжманд аёлнинг имзоси олинади. Индивидуал дастурлар оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, ишро учун масъул ташкилотлар раҳбарлари ва эҳтиёжманд аёллар томонидан имзолангандан кейингина «маҳалла еттичилиги»нинг коллежал қарори билан тасдиқланади. Яъни Индивидуал дастурни тасдиқлаш тўғрисида маҳалладаги 7 нафар масъулар томонидан қарор қабул қилингандан кейингина Индивидуал дастур ҳақиқий ҳисобланади.

Шунингдек, индивидуал дастурга ўзгартриш киритиш масаласи ҳам «маҳалла еттичилиги»нинг коллежал қарори билан амалга оширилади. Индивидуал дастурлар «маҳалла еттичилиги» томонидан юритилади, оила ва хотин-қизлар бўлимида беш йил муддат давомида сақланади.

Олтинчидан, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи индивидуал дастурлар асосида «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиқлари ҳамда «Маҳалла еттичилиги» аъзолари «Аёллар дафтари»га киритиладиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантиришда маълумотларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

«Аёллар дафтари»га киритиладиган хотин-қизлар рўйхатларини шакллантириш, индивидуал дастурлар ҳамда «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишлари ҳар йили февраль ойи давомида амалга оширилади.

Еттинчидан, барча ҳужжатлар тасдиқлангандан кейин, декабрь ойигача эҳтиёжманд аёлларга уларнинг индивидуал дастурларида белгиланган муддатларда тегишли ташкилотлар томонидан амалий ёрдам бериб борилади. Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи ҳар ой якунида амалга оширилган ишларни тегишли ташкилотлар раҳбарлари ва «маҳалла еттичилиги» билан биргаликда таҳлил қилиб борида, муаммолар юзуга келадиган бўлса, уларни бартараф этиш чораларини қўради.

Бундан ташқари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиқлари ва масъул ташкилотлар раҳбарлари индивидуал дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси ва унинг ҳаққонийлиги бўйича ҳар чорак якунида тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ахборот бериб борида.

Саккизинчидан, эҳтиёжманд аёлларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилгандан кейин ҳар йили декабрь ойида Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғининг «Маҳалла еттичилиги» билан келишилган ҳолда киритилган тақдифига мувофиқ Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори асосида хотин-қизлар «Аёллар дафтари»дан чиқарилади.

Тўққизинчидан, «Аёллар дафтари» тизими доирасида амалга оширилаётган ишлар қўйидаги таътибда мувофиқлаштириб борилади: маҳалла даражасида — туман (шаҳар) ҳокимлиги, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи ҳамда «маҳалла еттичилиги» томонидан мувофиқлаштирилади; туман (шаҳар) даражасида — Қорақалтөғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон касабба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари, ҳудудий Оила ва хотин-қизлар бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилади; — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан мувофиқлаштирилади; республика даражасида — Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан мувофиқлаштирилади.

КЎПЧИЛИКНИ КИЗИҚТИРГАН САВОЛЛАР

Янги босқичда, албатта, турли саволлар юзага келиши табиий.

● **Йил давомида бирор-бир аёл тақдир тақозоси билан эҳтиёжманд бўлиб қолса (масалан: боқувчиси вафот этса ёки ишдан бўшатилган доимий даромад манбаига эга бўлмай қолса ва ҳоказолар), уларни «Аёллар дафтари»га киритса бўлади ёки йўқ?**

● **«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бошқа туман (шаҳар) ёки вилоятга кўчиб ўтса, улар «дафтар»дан чиқариладими?**

● **«Аёллар дафтари»га киритишда вақт ёки бошқа ҳақловлар борми?**

● **Тўсатдан эҳтиёжманд тоифага тушиб қолган аёллар ҳам дафтарга киритиладими?**

Федерация раиси шу каби қатор саволларга ҳам алоҳида тўхталиб, батафсил жавоб бериб ўтди.

Маълум қилинишича, 2027 йил 1 январдан бошлаб, хотин-қизлар ўз хоҳишига кўра Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали «Аёллар дафтари»га киритишни сўраб, муружаат қилишлари мумкин бўлади. «Аёллар дафтари»га киритиш бўйича, қачон бўлишдан қатъи назар, ҳеч қандай чекловлар йўқ.

Агар «дафтар»га киритилган аёл республика миқзининг бошқа ҳудудига кўчиб ўтган тақдирда,



улар доимий яшаш ва вақтинча тураржойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан текинчирмасдан тегишли «маҳалла еттичилиги» томонидан «Аёллар дафтари»га киритилади. Айрим ҳолатларда ҳаёт шароити кескин ўзгариб, хотин-қизлар тўсатдан эҳтиёжманд тоифага тушиб қолиши мумкин. Масалан, оила боқувчисининг вафоти, ишдан бўшатилиш ёки доимий даромад манбаининг йўқолиши шулар жумласидан. Эҳтиёж юзага келган ҳар қандай вақтда хотин-қизлар «маҳалла еттичилиги»га муурожаат қилиб, «Аёллар дафтари» ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин.

ЖАРАЁНЛАРГА 1 125 НАФАР МАСЪУЛ БЕЛ БОГЛАШГАН

Юқорида таъкидланганидек, жорий йилда 1 млн. 26 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхатлари шакллантирилди. Энди асосий вазифа сифатида «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичига киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга янги Низом талаблари асосида амалий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг муаммоларини самарали ҳал этиш белгиланган.

Йигилишда шу мақсадда Ўзбекистон касабба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарга бир нафардан раҳбар, шунингдек, ҳар 10 та маҳаллага бир нафардан касабба уюшмаси ходими бириктирилиб, жами 1 125 нафар масъулар ушбу жараёнга жалб этилиши айтиб ўтилди.

ҲАҚИҚИЙ ЭҲТИЁЖМАНЛАР ЎРНИГА СУНЪИЙ РАВИШДА РЎЙХАТ ТУЗИШ ҲОЛАТЛАРИГА ЧЕК ҚЎЙИШ КЕРАК

Шундан сўнг Сенат раиси Танзила Норбоева, Бош вазир ўринбосари Зулайхо Маҳкамова, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллоёров, Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортиқова кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Хусусан, Танзила Норбоева «Аёллар даф-

тари» тизими бўйича бўлиб ўтган мажлисда сўнгги йилларда ижобий ўзгаришлар кузатилгани, аввалги йиллар билан таққослаганда, аёлларнинг уй-жой, тиббий ёрдам ва ижтимоий ҳолати сезиларли яхшиланишини таъкидлади. Бироқ тизимда ҳали ҳам муаммолар сақланиб қолаётгани, хусусан, расмийлаштирилган иш қилиш ҳолатлари ҳамда ҳақиқий эҳтиёжмандлар ўрнига сунъий равишда рўйхат тузиш ҳолатлари, таниш-билишчилик орқали номзодлар киритилгани ҳақида афсусланиб гапирди. Шунингдек, «Аёллар дафтари»да бир марталиқ ёрдам билан чекланиб қолмаслик, балки ҳар бир аёлнинг ҳолати доимий равишда қузилиб борилиши зарурлигини таъкидлади. Маҳалла ва туман даражасидаги масъулар бу борада янада масъулиятли бўлишлари кераклигини қайд этиб ўтди.

ТАЪЙИҚҚА УЧРАГАН АЁЛЛАРГА 13 ТУРДАГИ БЕПУЛ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги раҳбарининг маълум қилишича, аёллар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича янги ёндашувлар жорий этилмоқда ва бу хизматлардан фойдаланишда ижтимоий реестрга кириш ёки кирмаслик муҳим меъзон ҳисобланмайди. Таъкидланишича, 3 ёшгача бўлган болаларда ривожланишдан орқанда қолиш ҳолатлари аниқланса, оналар исталган ҳолатда тегишли хизматлардан фойдаланиши мумкин. Бу тизим, айниқса, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар доирасида 15-20 минг нафар бола алоҳида назорат ва ёрдам дастурларига жалб этилган. Шунингдек, сўнгги икки йилда оилавий зуравонлик ҳолатлари 2,5 баробарга ошгани қайд этилди. Бунини мутахассислар аёлларнинг ҳуқуқий хабардорлиги орттиши ва хизматлар тизими кенгайиши билан изоҳлашмоқда.

Ҳозирги кунда «Инсон марказлари» орқали таъйиққа учраган аёлларга 13 турдаги бепул ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда. Ушбу марказларда психолог ва юристлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, хизматлар ҳажми сўнгги йилларда уч баробар кенгайган. Маълум қилинишича, 46 минг нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизлар давлат ташкилотларида ва турли соҳаларда фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич сўнгги икки йилда икки баробардан кўпроқ ошган. Жорий йилда эса ногиронлиги бўлган, ишлаш истагидagi 100 минг нафар аёлни тадбиркорлар билан боғлаш ва иш беришчиларга субсидия ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

ҲАР БИР ТИЙИН МАНЗИЛЛИ САРФЛАНИШИ ШАРТ

Светлана Ортиқова бугунги кунда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга

оширилаётганини таъкидлади. – Бугун 1 миллиондан ортиқ эҳтиёжманд хотин-қизларни қамраб олган дастурлар орқали нафақат уларнинг, балки миллионлаб оилаларнинг ҳаётини яхшилаш мақсад қилинган, – деди Бош прокурор ўринбосари. – Бу жараёнда энг муҳим масала – ажратилаётган ҳар бир маблагнинг манзилли ва самарали ишлатилишидир. Шу боис прокуратура органлари зиммасига қатта масъулият юкланиб, қатъий назорат тизими йўлга қўйилмоқда. Барча масъулар олдиндаги вазифа аниқ: ҳар бир тийин ўз ўрнига етиб бориши, ҳар бир лойиҳа реал натижа бериши шарт. Шу мақсадда барча даражадаги идоралар ҳамкорликда иш олиб бориб, топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга киришган.

МИНГЛАБ ОИЛАЛАР ВА ОПА-СИНГИЛАР ТАҚДИРИГА МАСЪУЛИМИЗ

Йигилиш якунида Қудратилла Рафиқов барча раҳбар ва масъуларга муурожаат қилиб, хотин-қизлар муаммосига расмийлаштирилган келиб чиққан ҳолда, биз республика комиссияси аъзолари ишларни биргаликда, ахиллик билан ташкил қилишимиз, бу борада бор имкониятимизни сафарбар этишимиз лозим. Шундангина ҳаммамиз давлатимиз раҳбари ва халқимизнинг ишончини оқлаган бўлаемиз.

– Биз бугун қабул қилаётган қарорлар минглаб оналаримиз, опа-сингилларимиз ва қизларимизнинг эртанги ҳаётига таъсир қилади. Агар бир аёлнинг қўзида ишонч пайдо бўлса, демак, биз ва-зифамизни адо этган бўлаемиз. Шунинг учун ҳар бир масъул бу ишга юракдан ёндашиши шарт, – деди Федерация раиси. – Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг топшириқларидан келиб чиққан ҳолда, биз республика комиссияси аъзолари ишларни биргаликда, ахиллик билан ташкил қилишимиз, бу борада бор имкониятимизни сафарбар этишимиз лозим. Шундангина ҳаммамиз давлатимиз раҳбари ва халқимизнинг ишончини оқлаган бўлаемиз.

Гулрухбегим ОДАШБОВА,
Эъзоза УМУРЗОҚОВА (фото),
«ISHONCH» мухбирлари



Иқтисодиёт ва молия вазирлигига!

БОЛАЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ЭМАСМИ?

Фарзанд туғилганда давлат томонидан тўла-надиган бир марталик нафақа, халқ тили билан айтганда, суюнчи пули кескин қисқартирилди. Хусусан, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб, ушбу нафақа биринчи марта фарзанд кўрган барча оналарга, иккинчи бола учун эса, фақат Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган оналарга бериладиган бўлди.



Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Нима учун биринчи фарзанд қўлаб-қувватлан-япти-ю, кейингилари давлат ёрдамидан четда қоляпти? Шуми ижтимоий адолат?! Халқимизда «Ўнта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса, қилиги бошқа», деган нақл бор. Болажон-миз, кўп оилалар уч-тўрт нафар болали бўлишни ният қилишади. Айрим хорижий давлатлар демографик қариш муаммоси билан юзлашаётган бир пайтда, фарзанд кўришни рағбатлантириш ўрнига чеклов тўғримикин? Қолаверса, миллий менталитетимизда ҳар бир фарзанд – оиланинг қувончи, юртнинг эртанги кўни, мамлакатимизнинг келажак таянчи сифатида қаралади. Шундай экан, давлат қўмағи фарзандлар сонига қараб фарқланишини қандай изохлаш мумкин? Албатта, молия соҳаси мутахассислари буни бюджет маблағларини манзилли тақсимлаш, эҳтиёжманд қатламни қўлаб-қувватлаш зарурати билан изохлаши турган гап. Бироқ, барибир, жамоатни қизиқтирган «Барча фарзанд тенг эмасми?» деган ўринли саволга кимдир рўй-рост жавоб бериши ҳам керак-ку!

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

Ақл билган ҳама гавҳарлар аро, Илмдан яхши кимё йўқдир асло.

Носир Хисрав

Ички ишлар вазирлигига! ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИМИ?

«Сўнгги кўнғироқ» куни ўқувчиларнинг автомобил бошқариши билан боғлиқ 238 та ҳолат аниқланганлиги ҳақидаги хабарни ўқиб, ўйлиниб қолдим...

Айрим ота-оналар «болам чаққон», «эрта ўргансин», «бир айланиб келади-да», деб фарзандига руль бошқарувини топширяпти. Аммо машина ўйинчоқ эмас. Бунга енгил қараётганлар билан фалокатлар тез-тез содир бўлаётганига гувоҳмиз. Аслида она сути оғзидан кетмаган болага автоуловни ишониб топшириш жамиятга нисбатан ҳурматсизлик, қонунларни писанд қилмасликдан бошқа нарса эмас! 2025 йили Президентимиз иштирокида бўлиб ўтган видеоселекторда вилоятларда, айниқса, Наманганда вояга етмаган шахсларга транспорт воситасини ижарага бериш авж олгани оқибат

тида ҳар ойда 10-15 нафар ўсмир мажруҳ бўлиб қолаётгани, ўлим билан тугаётган ҳолатлар ҳам кўплиги танқид қилинган эди. Шу аснода мута-саддиларга тегишли топшириқлар берилганди. Хусусан, болаларга машина бошқаришни ишониб топширганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаш топширилганди. Мана, орадан бир йил вақт ўтди. Ҳўш, бу борада қандай ишлар бажарилди? Тегишли ҳужжат ишлаб чиқилдими?

Муҳаббат ТўРАБОВА «ISHONCH»

Энергетика вазирлигига!

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига таширифи давомида мамлакат энергетика хавфсизлиги ва «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантиришга қаратилган қатор йирик лойиҳалар тақдим этилган эди. Айниқса, Бешариқ туманида Германиянинг «Hyper Partners» компанияси иштирокида 500 мегаваттлик қуёш электр станцияси қурилиши бошланиши ҳақидаги хабар жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотганди.



ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚАЧОН ТЎЛИҚ ИШГА ТУШАДИ?

Киймати 350 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳанинг дастлабки 200 мегаватт қисми 2024 йилининг ўзида электр тармоғига уланиши, келгуси йилда эса тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилганди. Бу режа амалга охша, йилга 1 миллиард 600 миллион киловатт-соат ёки 675 минг хонадоннинг бир йиллик истеъмолига тенг «яшил» энергия ишлаб чиқарилиши, натижада 466 миллион куб метр табиий газ тежаланиши таъкидланганди. Бироқ орадан қарийб икки йил ўтганига қарамай, лойиҳанинг кейинги тақдири юзасидан очик ва аниқ маълумотлар деярли учрамайди. Қизиги, 2024 йилдаёқ тармоққа уланиши керак бўлган 200 мегаваттлик биринчи босқичнинг ишга туширилгани ҳақида ҳам расмий маълумот мавжуд эмас.

Қузатувларимизга кўра, Бешариқ туманидаги мазкур лойиҳа-

нинг қурилиш жараёни тўхтаб қолган. Бу эса, жамоатчиликда асосли саволларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, «яшил энергетика»ни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, соҳадаги ташаббуслар доний қўлаб-қувватланаётган бир шароитда жараён тўхтаб қолгани тушунарсиз. Электр энергиясига бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда. Янги саноат корхоналари, аҳоли сони ўсиши, инфратузилма ва хизматлар соҳаси кенгайиши энергетика тизими-мига катта юклама бермоқда. Айниқса, электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар тез-тез кузатилаётган ёз ва қиш ойларида бундай йирик қувватга эга лойиҳаларнинг аҳамияти янада ортади.

Дунё тажрибаси шунни кўрсатмоқдаки, қайта тикланувчи энер-

гия манбалари, хусусан, қуёш энергетикаси экологик тоза, иқтисодий жиҳатдан ҳам самарали ечим ҳисобланади. Қуёш электр станциялари табиий газ сарфини қисқартиради, энергия танқислигини юмшатади ва узоқ муддатда давлат харажатларини камайтиради.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам жамоатчилиги бундай муҳим лойиҳанинг келажаги ҳақида ахборот олишга ҳақли. Чунки бу фақат бир туман ёки бир ҳудуд манфаати эмас, балки мамлакатнинг эртанги энергетик барқарорлиги билан ҳам боғлиқ масаладир.

Ҳўш, масъуллар бу борада жамоатчиликка қандай аниқ жавоб беради? Мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга ташаббус нега ортга сурилмоқда?

Жамшид ЭРТАШЕВ «ISHONCH»

Туризм қўмитаси ҳамда Кинематография агентлиги диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИ: ИЧАН ҚАЛЪА АХЛОҚСИЗЛИК МАКОНИМИ?

Шу кунларда интернет платформаларида ҳинд ижодкорларининг Ўзбекистонда суратга олинган «Видолашув» («Khuda haafiz») фильми-дан қисқа лавҳа (*твз-тез бериб олиш*) билан пил-дидан тақлиф тушади, бироқ Наргиснинг ҳужжат-лари вақтгирок тайёр бўлади. Агентлик вакили-нинг «Аёлингиз бугун-эрта йўлга чиқмаса, ишдан қуруқ қоласизлар. Ҳадемай сиз ҳам ортидан етиб борасиз» деган кистовидан сўнг, Самир турмуш ўр-тоғини хорижга – Номан султонлигига (мамлакат номи тўқима) кузатишга мажбур бўлади. Аммо ман-зилга етиб борган Наргис эрига кўнғироқ қилиб, бу ерда унга ноинсоний муносабатда бўлаётганла-рини, уйга қайтишни хоҳлашини айтиб ёлворади ва телефон ўчади.

Самир аёлини излаб Номанга етиб келади. Уни қутқариш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келади. Маълум бўлишича, Наргис алдов қур-бони бўлган, одам савдоси билан шуғулланувчи йи-рик жиноий тўданинг қўлига тушиб қолиб, фақш ишларга мажбурланаётган экан. Самир турли ма-шаққат ва синовлардан сўнг фильм якунида рафиқа-сини қутқаради ва икковлон ватанига қайтади. Хул-лас, киноасар экшн жанрида, сюжети зиддиятларга, жанг сахналарига бой.

Боя айтганимиздек, фильм хорижники, демак, савияси биз учун аҳамиятсиз. Аммо уни кўрган ҳар қандай томошабинда Ўзбекистон имижига дахл-дор қатор саволлар туғиладики, ҳозир шу ҳақда сўз юритмоқчимиз... Кинода гарчи тўқима номли Номан султонли-гида араб муҳити тасвирилланган, қахрамонлари ҳам шунга монанд, йирик планлардаги барча ёзувлар арабчада битилган бўлса-да, экранда асосан Тош-кент ва Хива шаҳарлари манзараларини кўрасиз. Ўзбек давлат цирки, Симпозумлар саройи, Ислон цивилизацияси маркази, яна аллақанча таниш би-нолар, «Нексия», «Жентра», «Дамас», «Каптив» син-гари машиналаримизга кўзингиз тушади. Оммавий



сахналарда ўзбекона қиёфаларни учратасиз. Асосий жанг сахналари Ичан қалъа ҳудудидаги тарихий обидаларда кечади. Самир маҳаллий такси ҳайдовчиси ёрдамида аёлини қидириб, қалъани ке-зиб чиқади. Қай бир иморат эшигини чертиб, ич-карига қадам қўйишганида уларни ярим-яланғоч кийинган, ахлоқсиз аёллар ҳамда уларни қўриқла-ётган, сўхтаси совуқ йигитлар кутиб олишади. Уму-ман, осори-атикаларимиз очик-ойдин ахлоқсизлик масканлари сифатида, шаҳарларимиз эса қонунлар ишламайдиган хавфли ҳудуд ўлароқ кўрсатилган. Кейинги йилларда халқаро майдонда Ўзбекис-тон имижини мустаҳкамлаш, туризм салоҳия-тини кенгайтириш мақсадида озмунча ишлар қи-линаётгани йўқ. Бироқ кинодаги кадрлар томо-шабинда юртимиз ҳақида «хавфли, қоқоқ давлат» деган нотўғри тушунча пайдо қилмайдими? Биз-нингча, бадиий тўқима бўлса ҳам, ушбу фильм манзаралари мамлакатимиз имижига путур етқа-зиши тайин гап. Аслида кино инсон онгига, ҳиссиётларига, дунёқарашига кучли таъсир кўрсатувчи восита. Бас, шундай экан хорижий кинокомпанияларнинг Ўзбекистон ҳудудига фильм суратга олишига рух-сат бериш жараёнида кимдир унинг сценарийси ва гоёси билан жиддий танишиб чиқади-ми? Юрт манфаатлари нуктаи назардан қандайдир тала-бар қўядими? Ёки амалда бундай тартиб-қоида йўқми?

Нурилло НЎЪМОНОВ «ISHONCH»



Ажабо!

ОЛАЁТТАНДА «БИСМИЛЛОҲ», БЕРАЁТТАНДА «АСТАҒФИРУЛЛОҲ»МИ?

Эрталаб йўлда рўй берган автомобиллар тўқнашуви сабабли қатнов ҳаракати секинлашганди. Бундоқ разм солсам, шикастланган автомашиналардан би-рининг эгаси собиқ курсдошим экан. Олдиндаги «Кобальт» ҳайдовчиси бе-хосдан тормозни босгани туфайли орқасидан туртиб олибди.

Дарҳол уловимни четга ол-дим. Дўстим билан қўриш-дим, хижолат тортаётган-ини сезиб, тўхтамаганим дуруст-миди, деган хаёлга бордим. Кейин вазиятни юмшатиш илнжидида маслаҳат бердим: «Сўгуртага бор-санг-чи?». У қўл силтади: «Фойдаси йўқ...».

Икки ҳафтадан сўнг туғил-ган кун сабаб ўртоғим билан яна кўришдик. Сўхбат давомида бил-димки, гарчи ишонмаса-да, у сўгуртачи билан учрашган. Аммо «Йўл-транспорт ҳодисаси ЙПХ хо-дими иштирокида расмийлашти-рилмаган», деган важ асосида унга пул ажратилмабди. Мен ушбу тизимда анча йиллар-дан бўён ишлаётган танишимдан масалалар ойдинлик қилиштирини сўрадим. Шу жараёнда у хўп қизиқ тафсилотларни баён этди. Рухса-тингиз билан гапни унинг номи-дан давом эттираман:

– Аҳолиимизнинг катта қисми содда. Жумладан, ҳаёт, саломат-лик, мулкни сўгурта қилиш ҳу-сусида гап очсангиз, «Ёмон ният қилиясанми?» дейди. Гўёки, ни-мадандир сўгурталанса, ўша бало унга ёпишиб қоладигандек. Ле-кин асосий гап одамларнинг бизга ишончи йўқлигида. Яшириб ўти-рмаман, бунга ўзимиз сабабчимиз. Яъни сўгурта пулини оломқоч бўл-сангиз, ҳужжатларни пишиқ қи-лишингиз лозим. Акс ҳолда, «У қоғозни олиб келинг, муҳр бўлгани билан имзо қўйилмабди-ку!» қа-билидаги вазларга тайёр туринг. Ҳаммаси жойида бўлганда эса «Пул кечикяпти», деган баҳона билан овора қилишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Мақсад – оммага сўгурта пулини ундириш осон эмаслигини уқтириш.

Хоҳлайсизми-йўқми, сўгурта ташкилоти маблагни иложи бо-рича ўз ихтиёрида қолдиришга ҳа-ракат қилади. Шу маънода сўгур-тачилар орасида «Олаётганда «бисмиллоҳ», бераётганда «аста-ғфируллоҳ» ибораси машҳур бўлиб кетган. Соҳа вакиллари сўгурта пуллари ташкилот фойдасига айлантиришга астойдил интилиш-ларини хизматлар деярли реклама қилинмаслигидан ҳам сезиш мум-кин.

Ёки қаердадир кўрганмисиз, «Сўгуртачиларга раҳмат, пулимни тўлаб беришди», мазмунидаги ви-деотасвир ва рекламаларни? Зо-тан, сўгурта пулини шақиллатиб санаб олаётганлар ҳам кам эмас. Демокчи бўлганим, бизга омма сўгурта ташкилотидан пул олиш мураккаб жараён, деб билгани маъкул. Ўзимдан ҳам «Сизлардан пул ундириш қийинми?» деб сўра-шади. Яқинларимни ҳисобга олма-ганда, барчасига «Жуда ҳам!» дея жавоб қайтараман.

Бутун тизимда ишга ёндашув худди шу зайлда бўлгани учун ким-нингдир ихтиёрий сўгурталаниши ноёб ҳодиса саналади. Мана, ўзин-гиз бирор марта ихтиёрий сўгур-

таланганмисиз? Ҳар беш юз-минг одамдан биттасигина бизга ихтиё-рий муурожаат қилишидан вазия-тни баълаверинг. Қозонимиз тўлиб-тошиб қайна-шига эса қарийб 30 турдаги маж-бурий сўгуртанинг ўзи етарли. Жумладан, иш берувчининг хо-димларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг бино, автомашина, ташилаётган юк, шунингдек, бир қатор касб эгаларининг касбий жа-вобгарлигини сўгурталаши соҳа-нинг сойда гуллаб-яшнаши, мазкур бозорда миллиардлар айланишига омил бўлмоқда.

Тизимни ташкилот ҳисобига туширган пулининг 25 фоизини оладиган сўгурта агентларсиз тасаввур қилиш мушкул. Ўслайсизми, яқин-яқингача корхона ва муассасалар раҳбарлари жамоаси-нинг ихтиёрий сўгурта бўлишига ишқибоз эди. Чунки бошлиқлар ўша 25 фоиздан улуш оларди.

Ижтимоий тармоқ орқали ши-коят қилиш имкониятлари кенгай-гач, ушбу усул урфдан чиқди. Ҳозир сўгурта агентлари рухсат берувчи ҳамда молия муассасаларининг ичида. Улар жисмоний ва юридик шахсларга мулк ёки маҳсулотини қаерда мажбурий сўгурта қилиш кераклигини чироили қилиб ту-шунтиришади...

Курсдош дўстингиз билан боғ-лиқ ҳолатга келсак, ҳужжатларни тўғри расмийлаштирганида, у па-чоқлаган «Кобальт»га етказил-ган зараргина қолаб бериларди. Чунки автомашина эгалари сотиб оладиган мажбурий сўгурта по-лиси ўзгаларнинг мулки ва соғ-лиғига етказилган зиённи назарда тутайди.

Сўхбат якунида сўгуртачи янада қизиқ гап айтди: – Ҳозир сизга тизимда мавжуд сирлар ва фирромликларнинг ўн-дан бир қисмини айтдим. Агар қолганларини ҳам ошкор қилсам, соҳанинг барча вакиллари қатори ўзининг ҳам тағимга сув қуйган бўламан.

Хуллас, сўгурта бо-зоридаги бутунги манзара шундай: бир томонда қонун-қои-далардан беҳабар, ал-даниб қолаётган оддий одамлар, иккинчи то-монда эса тизимнинг бўшлиқларидан уста-монлик билан фойда-ланаётган сўгурта ком-паниялари. Агар бу соҳа вакиллари фақат «олиш»ни ўйлаб, «бе-риш»ни ҳам маданият даражасига кўтарма-салар, халқнинг уларга бўлган ишончи тиклан-майди.

Алижон АБДУСАТТОВ «ISHONCH»



Телефоним жиринглади. Қарасам, кишлоқдаги синфдошим. У ёқ-бу ёқдан озроқ суҳбатлашдик. – Жўра, бир кўшиқ чиқибди, менга жуда ёқди. Шуним ким айтганини топиб бер. Сента «Telegram»дан ташладим.

– Майли... Хайр-хўшдан сўнг ичимга бир ёруғлик кирди. Умри тирикчилик қўйида қир-адирларда чорвасига андармон бўлиб ўтаётган дўстимни бир кўшиқ мафтун этгани севинтирди. Мана, санъатнинг кучи!

Сўз билан ишлаганим учунми, ашула эшитаяётганда унинг матнига жиддий эътибор қиламан. Дастлаб

муסיқа диққатимни тортди. Турли халқлар санъати оҳанги уйғунлаштирилган, ритми ўзгача. Кўшиқ бошланди. Сўзлари жуда ғализ ва маъно-сиз эди...

*Тоғлар узоқ турар,
Ўзини баланд демас.
Дарёлар узоқ оқар,
Қаерга етишини айтмас.
Фақат инсон қалби
Сўрайверар яна ва яна
Нима топиш учун...*

У ёғига сабрим чидамади. Матинни шеър техникасига солиш-ку, хато. Мазмунини таҳлил қилсак ҳам калаванинг учини топиш мушкул. Хўш, бу кўшиқнинг муддаоси нима? Гап ана шунда.

Фақат миллий, халқона таълим-тарбия билан маънавият, ички маданият пайванд қилинсагина одамларни ҳар қандай пасткашликдан, тубанликдан асраб қолиш мумкин.

Чингиз Айтматов

Энди сунъий кўшиқлар эШИТАМИЗ(МИ?)

Ахборот асрида яшаяпмиз. Миллионлаб қўрилган бу тарона ёшлар орасида анча оммалашибди. Бугун шаҳардаги кўпқаватли уйлардан тортди, пурвигор тоғларгача акс-садо бермоқда.

Кейинги пайтларда бир ҳолат тез-тез кўзга ташланипти: кимдир бир неча дақиқада «янги кўшиқ» яратиб қўйяпти. Овоз, муסיқа, матн тайёр. Ҳатто, айримлари машҳур хонандаларнинг овозига ҳам жуда ўхшайди. Аввалгига бу қизиқ туюлади. Технологиянинг имкониятига ҳайрон қоласиз. Аммо бироз ўйлаб қарасангиз, савол туғилади: бу чин санъатми?

Сунъий интеллект кўшиқ яратяпти. Лекин у дардни ҳис қила оладими? Муҳаббат, соғинч, айрилиқ, она меҳри, Ватан туйғусини инсон каби қалбдан ўтказадими?

Мана шу жойда масаланинг асосий жиҳати бошланади.

Кўшиқчилик санъати пайдо бўлганидан буён у руҳий тарбия воситаси бўлиб келган. Кечагина биз билан бир ҳаводан нафас олган устоз ҳофизлар Шерали Жўраев, Ортик Отажонов, Ўлмас Саиджоновларнинг ашулаларини бир эслайлик. Улардаги оҳанг, дард, мазмун-моҳият, асарнинг ўзига хос гоёси халқимизнинг орзу-умидлари, ўтмиши ва келажаги билан уйғун эди. Шунинг учун уларнинг кўшиқлари умрбоқийдай туюлаверади.

Табиийки, сунъий интеллект ҳеч нарсани ҳис қилмайди. У фақат ҳисоблайди. Минглаб кўшиқларни таҳлил қилиб, ўхшаш оҳанг ва матн яратади. У ижод азобини билмайди. Тунда ухламай шеър ёзган шоирнинг ҳолатини ҳис қилмайди. Саҳнага чиқишдан олдинги ҳаяжон завқини туймайди. Яратган кўшиқларида техника бор, аммо руҳият йўқ. Бир санъат асарини яратишининг ўзи бўлмайди. Шоир шеър ёзади, бастакор куй басталайди, хонанда қуйлайди. Бунинг ортида қанча

меҳнат бор. Ҳар ҳолда, мен шундай тасаввур қиламан. Ҳозир эса баъзилар икки-уч тугмани босиб «ижодкор» бўлиб қоляпти.

Яна бир хавотирли тарафи ёшларнинг муסיқий диди ўзгаришти. Улар учун кўшиқнинг маъноси эмас, ритми муҳим бўлиб қоляпти. Матн мазмунини аҳамиятсиз, муҳими, тренд бўлса бўлди. Бу эса муסיқий дидга таъсир қилмай қолмайди.

Сунъий интеллект энг кўп тингланадиган услубларни тақрорлайди. Натижада бир-бирига ўхшаш, мазмунсиз, энгил кўшиқлар кўпаяди.

Энг ёмони – миллий оҳанг ва миллий рух аста-секин йўқолиб бориши эҳтимоли бор. Чунки алгоритм миллий қадриятни эмас, кўпроқ тингланадиган форматни танлайди. Албатта, технологияга қарши чиқиб бўлмайди. Уни инкор қилиш тўғри эмас. У студия ишларини энгиллаштириши, янги имкониятлар очиши мумкин. Лекин у ижодкорнинг ўрнини эгаллаб олмаслиги керак. Санъат бу – қалбнинг маҳсулоти. У қалбсиз шунчаки товуш бўлиб қолади. Масалан, Алишер Навоий асарлари нега асрлар давомида яшаб келяпти? Боиси, уларда инсоннинг руҳий эврилишлари, қалбнинг боқий дардлари ва халқимизнинг бой ҳикматлари мужассам. Сунъий интеллект эса ҳозирча фақат инсон яратган нарсаларни аралаштириб берапти, холос.

Машҳур хонандалар овозидан руҳсатсиз фойдаланиш эса яна бир муаммо. Бугун интернетда айрим сунъий кўшиқлар машҳур хонандалар овозига жуда ўхшаб кетяпти. Бу эса ахлоқий ва ҳуқуқий саволарни келтириб чиқаради. Ахир овоз инсоннинг шахсий ижоди-ку. Кимдир йиллар давомида ўз услубини яратади, овозини халққа танитади. Кейин эса кимдир сунъий интеллект орқали ундан фойдаланиб контент тайёрлайди.

Мулоҳаза

Кузатув

Турли соҳаларда муваффақият қозонган кишиларни кузатсак, уларнинг ҳаёт тарзида ҳар бир инсон бажара оладиган жиҳатларни кўришимиз мумкин. Ҳеч ким ҳеч қачон ўз-ўзидан ёки тасодифан бирор чўққига чиқиб қолмайди. Улар кичик қадамлар билан мунтазам ҳаракат қилади. Фойдали одатларни шакллантириб, кундалик турмушини ўзгартиради. Дарвоқе, нимагадир эришиш ҳаммамизнинг қўлимиздан келади. Фақат эринчоқлик ва дангасалиқни бир четга суриб, аниқ мақсад сари дадил юришимиз, аввало ўз қизиқишларимиз ва дунёқарашимиз бўйича интилишимиз керак.

Биринчи навбатда, вақтни тўғри тақсимлаш, уни қадрлаш зарур. Чунки омадли кишилар илк юришини шундан бошлайдилар. Муҳим ишларни биринчи ўринга қўйиб, дақиқаларини ҳам беҳуда нарсаларга сарфламайдилар. Шу боис кунлик режаларни ёзиб бориш, изчил одатларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Америкалик ёзувчи Жон К.Максвелл шундай деган эди: «Муваффақиятнинг сирини – кундалик тартиб-бингиздадир». Яъни тартибли бўлиш биз ҳавас қиладиган шахсларнинг кичик сирidir.

Шунингдек, ҳеч қачон билим олишни қанда қилманг, ўрганишдан тўхтаманг. Ҳар доим ижобий фикрлаш инсоннинг ўзига ва атрофидагилар қайфиятига таъсир қилади. Одамларнинг 70 фоизи инсонлар ўз айбини тушунамайди ва танқидни тўғри қабул қилмайди. Альберт Эйнштейн «Мен жуда ақлли бўлганим учун эмас, муаммолар устида узоқроқ ишлаганим учун муваффақиятга эришдим», деган эди. Демак, инсон ўз хато-камчиликларини устида қанча кўп ишласа, шунча ўсиб бораверади.

Яна бир фойдали одатлардан бири эрта туриш ва спорт билан шугулланишдир. Ахир бежиз айтишмайди-ку, «Эрта турган кишини, Худо ўнглай ишини» деб.

Ҳар бир инсон нимагадир эришиши учун, энг аввало, жисмонан соғлом бўлиши керак. Спорт, бадан тарбия ҳар биримизнинг ҳаётимизда қанча аҳамиятга эга. Катта чўққига чиқиш қанча куч ва масъулият талаб қилади. Шунинг учун ҳар бир инсон ўзини жисмонан чиниктириши жуда муҳим.

Бир сўз билан айтганда, муваффақиятларга эришиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Агар юқоридаги одатларни ўзингизда шакллантиришни бутундан бошласангиз, албатта мақсадларингизга етасиз. Энг биринчи қадамни эса ҳозирдан ташланг.

Захро
АЪЗАМЖОНОВА,
Ўзбекистон Журналистика
ва оммавий
коммуникациялар
университети талабаси

Бугун ҳаётимизни ижтимоий тармоқларсиз тасаввур этиш қийин. Эрталаб уйғонган заҳоти телефонга қараш, кун давомида Telegram, Instagram, TikTok ёки Facebook'ни кузатиш, кечқурун эса яна виртуал оламга «шўнғиш» кўпчилик учун одатий ҳолга айланди.

Тўғри, замонавий ахборот майдони инсонларга тезкор мулоқот, билим олиш, бизнес юритиш ва ўз иқтидорини намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий тармоқлар ортидан келаётган хавф-хатарлар ҳам тобора яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, ёшлар орасида тез ва осон машҳур бўлиш истаги тобора кучаймоқда. Бу хавфли тенденция. Ёшлар машҳурликка эришишнинг жўяли ва фойдали йўлини эмас, балки хавфли ва жамоатчилик эътиборини тортадиган, «Қанчалик хавфли бўлса, шунча машҳур бўласан» каби усулларини танлашмоқда.

Ижтимоий тармоқларда лайк ва обуначи йиғиш мақсадида турли таваккалчиликлар қилинаётганини кўриш мумкин. Баланд бинолар томида селфига тушиш, ҳаракатланаётган автомашина устида видео олиш, йўл ҳаракати қоидаларини қасддан бузиш, жамоат жойларида одоб-ахлоқ меъёрларига зид хатти-ҳаракатлар қилиш – буларнинг барчаси виртуал машҳурлик илинжида амалга оширилаётган номасъул контентлардир.

Яқинда Самарқандда содир бўлган ҳолат жамоатчилик орасида катта муҳокамаларга сабаб бўлди. Уч нафар ўсмир обуначилар сонини кўпайтириш мақсадида «кар» ҳайдовчига нисбатан ҳақоратомуз «пранк» уюштириб, уни тасвирга олишган. Кейинчалик аслида ҳайдовчи қар бўлмагани, улар бу ишни шунчаки интернетда шов-шув кўтариш учун қилишгани маълум бўлди. Оқибатда ёшлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Айрим ҳолларда машҳурликка интилиш инсон ҳаёти учун жиддий хавф туғдирапти. Шу йил-

нинг апрель ойида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида 17 ёшли ўсмир поезд вағони устига чиқиб селфи тушмоқчи бўлган вақтида юқори кучланишли ток уриши тўғайли танасининг катта қисми куйиб кетди. Бу ҳодиса ижтимоий тармоқларда шов-шув бўлиш истаги баъзан ўта аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яна бир бор исботлади.

Айрим фуқаролар эса «қора пиар» орқали танилишга уринишмоқда. Масалан, ижтимоий тармоқларда машҳур бўлиш мақсадида автомашина давлат рақамини яшириб ҳаракатланган ҳайдовчи видеони интернетга жойлагани ортидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътиборига тушди. Натижада автомашина жарима майдончасига жойлаштирилди.

Ажабланарлиси, баъзан катталарнинг ўзлари ҳам масъулиятсизлик қилишмоқда. Ижтимоий тармоқларда ёш бола автомобиль бошқараётгани акс этган видео тарқалди. Маълум бўлишича, болага рулга ўтиришга отаси рухсат берган ва жараёни ўзи тасвирга олган. Бу нафақат қонунбузарлик, балки фарзанди ҳаётини хавф остига қўйиш ҳамдир.

Мутахассислар фикрича, ижтимоий тармоқлар-

даги «лайк психологияси» инсон онгига кучли таъсир кўрсатади. Кўпчилик «виртуал олқишлар»ни ҳақиқий машҳурлик деб қабул қила бошлайди. Айниқса, ҳаётий тажрибаси кам ўсмирлар бундай таъсирга тез берилдилар.

Аслида ҳақиқий обрў ва ҳурмат шов-шувли видеолар ёки сунъий машҳурлик орқали эмас, билим, меҳнат ва жамиятга фойда келтирувчи ишлар билан қозонилади. Виртуал оламдаги бир неча кунлик машҳурлик инсонга қадр бермайди. Шу боис ота-оналар, таълим муассасалари ва жамоатчилик ёшларни ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланишга ўргатиши, виртуал шов-шув эмас, балки ҳақиқий билим ва салоҳият инсонни юксалтиришни тушунтириши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий тармоқлар – имкониятлар майдони. Улар инсонни тараққийтга, шу билан бирга, нотўғри йўлга ҳам бошлаши мумкин. Демак, гап бу воситалардан қандай мақсадда ва қай даражада онгли фойдаланишда. Зеро, бир лаҳзалик «лайк» ёки машҳурлик ҳеч қачон инсон ҳаёти ва қадридан устун бўлмайди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

Мушоҳада



Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Маъмуржон Узоқов
ижросида

«Суратинг»

кўшиғи

Не балолуз эрди, эй шўъхи дилоро, суратинг,
Ақлими лол этти қилгунча та-мошо суратинг.
Кетти бир кўргач ани сабру қарорим шеваси,
Айлади тоқат нечук чекканда тарсо, суратинг?

Фуркат газали



MUASSIS:
O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBANAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hay'ati – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xafar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Sirdaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon ABDURAHMONOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDULLAJILOV

Bosishga toposhirlash vaqti – 21:40
Topshirildi – 22:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Manziliimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilashitirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 228 ta
Shundan: 6 556 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 471 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-511**
1 2 3 4 5 6